



МАНАЛЛА

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАХАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 34-35 (261-262)

2001 йил 29 август, чоршанба

Газета 1996 йил январ ойидан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда

ОЙДИН ЙЎЛ

Мустақил Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари ва таклифлари билан бошланган «Кучли давлатдан - кучли жамият сари» ижтимоий-сиёсий ҳаракати шонли ўн йиллик давомида ўзининг нақадар ҳаётий ҳамда бетакрорлигини кўрсатди. Жамоат бирлашмаларининг демократик мезонларга асосланган адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги аҳамияти рўёга айланди. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўрни ва нуфузи тикланди. Республикада демократик ҳуқуқий жамият асослари фаол равишда вужудга келтирилди ва у ҳозирги кунда давлат ҳамда жамият қурулиши тамойилларга мос ҳолда янада такомиллаштирилмоқда, ривожланмоқда.

Истиқлол йилларида маҳалла фуқаролар йиғинлари, оқсоқоллари ва фаолларининг ҳуқуқларини янада кенгайтириш, уларга тегишли имтиёзлар бериш, нуфузини кўтариш мақсадида Президентнинг махсус Фармонлари чиқарилди, қонуни, қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Маҳаллани тиклаш, равнақ топтириш йўлидаги сазой-ҳаракатлар ўзини ўзи бошқариш органлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар, қимматли ҳужжатлар салномасида ҳам яққол кўринади.

- 1992 йил 8 декабр.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 105-моддасида маҳалла фуқаролар йиғини ҳуқуқи қафолатлаб берилди.
- 1992 йил 12 сентябр.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида.
- 1992 йил 8 октябр.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига маблағ ажратилиш тўғрисида.
- 1992 йил 17 октябр.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида.
- 1993 йил 1 декабр.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.
- 1994 йил 23 август.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИ Кам таъминланган оилаларни ижтимоий-ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида.
- 1994 йил 24 август.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида.
- 1996 йил 10 декабр.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида.
- 1996 йил 10 декабр.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида.
- 1998 йил 23 август.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида.
- 1998 йил 28 октябр.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида.
- 1998 йил 3 ноябр.
ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАР ИДОРАСИ РАИСИ, МУФТИЙСИНИНГ ФАТВОСИ Тўй, маросим ва маъракаларни меъёрида ўтказиш ҳақида.
- 1999 йил 13 январ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида.
- 1999 йил 15 апрел.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида.
- 1999 йил 19 апрел.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маънавий жиҳатдан ва ишга жойлаштиришда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазири раисининг ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар, «Маҳалла посбони» жамоат тузулмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида.
- 2000 йил 19 декабр.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ Коммунал хизматини бошқариш тизимини янада ислоҳ қилиш тўғрисида.



МАХАЛЛА ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

Маҳалла ҳақида гап кетганда уни мен қалб кўрида омон яшаган Ватан ичидаги кичик Ватан дегим келади. Негаки, тарихи бир неча минглаб йиллар ортга бориб боғланадиган маҳалла тушунчаси собиқ мустабид тузум даврида қаттиқ қаршиликка учраб, ҳаётий йўналишдан четга суриб қўйилди. Аммо маҳаллачиликка хос ҳаёт тарзи халқимиз қалбидан чекинмади. Одамларимиз ўз қадр-қимматларини идора этувчи анъана ва қадриятларимизни юрак тубида асраб келинди.


Юртбошимиз Ислом Каримовнинг сайё-ҳаракати туфайли маҳалла тизими-га йўл очилди. Шу ўринда халқимиз ҳаётига табиий равишда мослашган маҳалла бўлиб яшашнинг одамларимиз қалбидан омон яшаб қолганлиги дарҳол сезилди ва бу ҳаёт тарзи ҳаётимизда

янада тез ўрнини топди. Бугунги кунда маҳалла фаолиятига ҳукуматимиз, Президентимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганлигининг бош сабаби ҳам бу тизимнинг ҳаётий ҳақиқатларга нақадар яқинлигидандир. Биз бугун тарихдан маҳалла деган сўз қўланил-

Шухрат ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика Бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутаты.

ган даврларни синчиклаб ўрганар эканмиз, унинг минглаб йиллар давомида шаклланиб, ривожланиб, бугунги кунда урф бўлган демократия тамойиллари талабига ҳам тўлиқ жавоб беришни ҳис этмоқдамиз. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, севимли адабимиз Ўткир Ҳошимов бир ўринда таъкидлаганидек, Европа мамлакатларида ўғил ўз отасини судга бериб, қарзини ундириб олганлиги ҳақиқат тантанаси бўлиши мумкин, лекин бу ҳолатни ўз ҳаётимизга демократик тамойил намунаси деб қабул қила олмаймиз.

(Давоми 2-бетда.)



2-саҳифасида:

- Шарафланган шарафлилар сафи.
- Тантана кўнгилларда садо берди.
- «Олтин юлдуз» биз билган одамга тегди.

3-саҳифасида:

- «Жар» «Оқмачит» билан «Ҳақиқат» ўйинчиларини кутмоқда.
- Одамлар бор, музнинг кафтида туғилар экан.
- Украина шахталаридан шахидлар чиқмоқда.

4-саҳифасида:

- Шоҳона тасвир Камолдин Бехзод қаламидан тўкилганми?
- Уйим, жойим, боғим - сахий...
- Мўмин-мусулмон болам.
- Бойсуликлар қуллови.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги нишонлаши арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Республикаимизнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат қилаётганлардан бир гуруҳи муносиб тарзда мукофотланди.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан
НАЗИРОВ Зикир - Сергели тумани Навоий номида маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

«Меҳнат шўхрати» ордени билан
ХОЛОВА Патти - Самарқанд тумани «Андижон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

«Дўстлик» ордени билан
РАХИМОВ Джалал Хамроқуллович - Темирйўл тумани «Бонисарой» маҳалла фуқаролари йиғини раиси, Самарқанд вилояти

ХАЗОВА Валентина Петровна - Чилонзор тумани «Меҳрон» маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси, Тошкент шаҳри

«Шухрат» медали билан
АБДУГАФАРОВА Рихси - Наманган шаҳри «Даштбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

АХМЕДЖАНОВ Тулқун - Сиеб тумани «Сазангарон-2» маҳалла фуқаролари йиғини раиси, Самарқанд вилояти

ЗУБАЙДУЛЛАЕВА Саламат - Шахрисабз шаҳри «Кулчилик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарь

вилояти
ЛАТИПОВ Чори Ташмуродович - «Маҳалла» газетаси бош муҳаррири

МАТКАРИМОВА Курвопбика - Урганч тумани «Чондиқий» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

НОРЧАЕВ Раҳмон Бўрибоевич - Боёвут тумани «Усмонобод» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

ОМОНДАВЛАТОВА Хумор - Бандихон тумани «Кўш кўтон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

РАИМОВА Назира - Собир Раҳимов тумани Беруний номида маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси, Тошкент шаҳри


РАСУЛОВА Тамара Тураповна - Чилонзор тумани Ш.Фулдомов номида маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси, Тошкент шаҳри

САИДРАҲМОМОНОВ Маруф - Бўка тумани «Хужақўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент вилояти

ХОЖАМБЕРГЕНОВА Биби Мамееновна - Шуманай тумани «Дехқонобод» овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

ЮЛЬЧИЕВА Гульнора Дехкановна - Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари

ЮНУСОВА Махбубахон - Бешарик тумани «Яккатут» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти



МАНАЛЛА

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссасдорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail: mahalla@gazeta.silk.org

Тахририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75, ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25.

МАҲАЛЛА ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

(Боши 1-бетда)

Аксинча, биз ота-онанинг фарзанд олдидagi, фарзанднинг ота-она олдидagi қарздорлик ҳиссини уйғотиш, бу қарзни ўша қарз учун масъулиятли бўлган одамдан бўлак ҳеч ким, хусусан, суд маҳкамаси ҳам тўла ундириб бера олмаслигини аниқлаштириш тарафдорлиги ва уни ҳар икки томон аниқлаган тақдирда демократия юзга келади деб тушунади. Хорижий дўстларимиз ўзимизга хос демократиямиз асосида қурилган бу тизимга ҳақиқатда кўп қизиқибди.

Афсуски, улар ҳудуддаги маърузаларимиздаги икки қўшни ўртасидаги келишмовчиликка келин-куёвнинг қўйди-чиқдисига ёки маҳаллага хос ҳаёт тарзидан чекланган қизнинг юриш-туришига маҳалла-қўйнинг аралашуви ҳаётда қай даражада ўз самарасини бериши ҳақидаги фикрларни бу дўстларимиз баъзан инсоннинг шахсий ҳаётига дахл солиш деб баҳслашди. Яъни маҳалла ҳаёт тарзини тушунишлари қийин бўлади. Юртимизда бўлишга эса, бу ҳолатнинг бизнинг ҳаётга нақадар мослигини кўриб, ўз фикрларидан қайтишди. Ўзини ўзи бошқариш органи хусусан, маҳалла тизimini ўз кўзи билан кўриб, ўрганиш учун келган Франция корхоналар ассоциацияси вице президенти Пол Бернор ва «СУЭЗ ЛЕОНИЗ ДЕЗ Оқомпанияс» раҳбари Иван Шери Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгашида суҳбатда бўлиб, сўнг маҳаллаларни кўриди. Ташриф таассуротлари билан Иван Шери юртиндан туриб Чигатой Оқтепаси маҳалласи

раиси номига шундай хат йўллади. «...Мен маҳаллангизда қилмаётган ишлардан... бениҳоя таъсирландим, фуқаролар маҳаллий бошқарувида бундай ишларни амалга ошириш мен учун тушдай бўлиб туялди.

Маҳаллангиздаги ташир-фимдан сўнг мен бу борда қаерда суҳбат уюштирсам ўзини ўзи бошқаришда инсонлар қандай натижаларга эришиши мумкинлиги тўғрисида албатта сизнинг маҳаллангизни мисол қилиб келтираман».

Балки ўзини ўзи бошқариш органидаги мустақиллик йилларида эришилган ўзига хос муваффақиятларни мана шундай чеккадан айитилган самимий эътирофлар орқали тасаввур қилишимиз осондир. Хўш, мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органи деб аталган тизимга кирувчи маҳалла, қишлоқ, овул, макон, шаҳарча фуқаролар йиғинлари фаолиятининг бу каби ривожига асосий омиллар нимадур бўлиди?

Авалло, мустақиллик йилларида маҳаллага эътибор мустақилликнинг буй-баста билан баробар ўсди борди.

1992 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» Фармони қабул қилинди. Фармонда кўзда тутилган мақсад тарихан таркиб топган миқдлий ва анъанавий қадр-қадриятларни эъзозлаш ва уларни изчил тарғиб қилиш, ҳалқимизнинг энг яхши удуи ва анъаналарини кенг оммалаштириш, маҳаллалар ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш бўлади.

Президент фармонларидан роппа-роса бир ой ўтгач, Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» қарори эълон қилинди. Қарорда жамғармининг қўри органи тасис конференцияси, унда сайланган бошқарув апарати ва тафтиш комиссияси бўлиши белгилаб қўйилди. Бунгача маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ягона тизими мавжуд эмас эди. Қишлоқларда кенгаш («селсоветлар»), шаҳарларда уй-жойлардан фойдаланиш комиссиясининг шахобчаси фуқароларнинг қайди қилиш ва бошқа маънавий ташвишлар билан шуғулланарди. Уларнинг юмуши кўп, ҳуқуқи ва калфолати йўқ даражада эди. Биринчи унинг қетган уй-рўғор жиҳозлари-ю, таъмиртаълаб 1-2 хонадан иборат «илора»дан бўлак ҳеч вақо бўлмади. Фармон ва ҳукумат қарори чиққач, иш бутунлай янгилан бошланди. Маҳаллага тоза ва мусаффо ҳаво янглинг янги қараш кириб келди.

Ҳозир агар ўзини ўзи бошқариш органи зиммасидаги ваколат, масъулият бўлган маҳалла раҳбари ҳар бир фаолдан ҳаётда ҳеч бир жабуҳага бефарқ бўлмастлигини тақозо этипти. Жумладан, булган Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси фаолиятини ҳам қандайдир меъёрлар билан ўлчаб ўтирадиган давр эмас. Чунки маҳалла бу - бизнинг ҳаётимизнинг яхлитча кўринишига айланган.

Яқиндагина яқун топган ўзини ўзи бошқариш органи раислари (оқсоқоллари) ва маслаҳатчилари сайлови яқун Сайловларнинг демократик тамойиллар, хусусан, муқобил номзодлар асосиди, ҳалқнинг ялли сафарбарлиги остида ўтиши, сайланганларнинг сифат жиҳатдан ижобий томони ўстанлиги бу тизимнинг ривожини ва ҳалқимизнинг фуқаролик жамиятига ишончи ошганлигини кўрсатди. Бунда шубҳасиз кенгаш ва жамғарма изчил фаолиятининг ўрни бор. Беэвосита амалга оширилган тадбирлар билан бир қаторда бизда ташкил этилган «Маҳалла зиёси» ўқув-ўқувчи маркази ва унинг вилоятларимиздаги марказлари, «Маҳалла» газетаси саҳифалари орқали йўлга қилинган, етказилган кўрсатма, мулоҳаза, тажрибалар аҳамият касб этди.

Фаолиятимизнинг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қолишдан умид қилаётганимиз Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси кубоги учун ўтказилган маҳаллалараро болалар футбол баҳсидир. Бугун «Футболимиз келажак» деб ном олган бу анъанавий мусобақаларни, айниқса, унинг мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган ушбу йилги турнирининг кузатиб, Ўзбекистон келажакда ўз футболни янада ҳам жаҳонга довуғ солишига умид қиласан киши. Болалар ўртасида жиноят содир этмаган маҳаллалар сони 4-5 марта камайганида яқинда яқунланган маҳалла болалари ўртасидаги шахмат-шахка турнирининг ҳиссаси салмоқли бўлганлигини ҳеч ким инкор этмайди. Тасаввур қилинг, биргина футбол мусобақаларида 1 миллион 50 миңдан ортиқ болалар қатнашди. Ҳалқимизда азалдан «Маҳалланг ота-онанг» деган гап берокга яшаб келмаган. Бугун мустақиллик берган имконият ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятини янада жонлантиришни тақозо этди. Ҳеч шубҳасиз мустақил юртимиз ўзининг шон-шувҳатини келажакда ўз маҳаллаларини ривожига билан ҳам кўрсатади.

нинг сифат жиҳатдан ижобий томони ўстанлиги бу тизимнинг ривожини ва ҳалқимизнинг фуқаролик жамиятига ишончи ошганлигини кўрсатди. Бунда шубҳасиз кенгаш ва жамғарма изчил фаолиятининг ўрни бор. Беэвосита амалга оширилган тадбирлар билан бир қаторда бизда ташкил этилган «Маҳалла зиёси» ўқув-ўқувчи маркази ва унинг вилоятларимиздаги марказлари, «Маҳалла» газетаси саҳифалари орқали йўлга қилинган, етказилган кўрсатма, мулоҳаза, тажрибалар аҳамият касб этди.

Ҳозир агар ўзини ўзи бошқариш органи зиммасидаги ваколат, масъулият бўлган маҳалла раҳбари ҳар бир фаолдан ҳаётда ҳеч бир жабуҳага бефарқ бўлмастлигини тақозо этипти. Жумладан, булган Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси фаолиятини ҳам қандайдир меъёрлар билан ўлчаб ўтирадиган давр эмас. Чунки маҳалла бу - бизнинг ҳаётимизнинг яхлитча кўринишига айланган.

ОҚСОҚОЛНИНГ ШАРАФИ


Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг «Ибратли маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор оқсоқол» кўрик-танлови ғолиблари аниқланди.

Муборак ўн йиллик шодиёналари арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида бўлиб ўтган 2001 йилги кўрик-танлови яқунлари Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви

риёсатида атрофлича кўриб чиқилди. Раёсат қарорига мувофиқ 2001 йилда «Ибратли маҳалла оқсоқоли» кўрик-танлови ғолиби деб Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги А.Назаров номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собир КОМИЛОВ эътироф этилди. «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли»

танлови ғолиби деб Андижон вилояти Избоскан тумани Турдияла Мамажонов номи маҳалла раиси Абдуманноп ҚОБУЛОВ эълон қилинди. Соғирдорларни энг улуғ, энг азиз байрам кунлари ушбу эътирофга муяссар бўлганлари билан муборакбод этамиз.

Пойтахт кўрки



КУЧИМИЗ, ҚУДРАТИМИЗ - БИРЛИГИМИЗДА

Зомин туманидаги Даштобод шаҳрида Ўзбекистон маҳалласи бор. 3710 нафар аҳоли истиқомат қиладиган бу маскан 18 та кўчани ўзига бирлаштирган.

Энг муҳими маҳалла ҳудудида қасб-хўнар лисей, шаҳар касалхонаси, 1 та хусусий тегиримон, шунингдек, кўплаб маданий ва маънавий хизмат қилувчи шахобчалари жойлашган. Уларнинг барчаси маҳалла фаровонлигини оширишга яхши қўллашди. Шунингдек, бу ерда кўкаламзорлаштириш ва ободлаштириш ишларини кенг қўллаш олиб борилмоқда. Кўчаларда йиғилган чиқиндилар ўз вақтида тозаланмоқда. Бунинг учун ҳомий ташкилотлардон маҳсулотлари ҳамда нефть маҳсулотлари корхоналари маҳаллага ҳар томонлама ёрдам кўрсатишмоқда.

МАҚСАД МАҚТАНИШ ЭМАС

Қорақалпоғистоннинг Амударё туманида Мангит шаҳарчаси бор. Бизнинг Чордара маҳалласи ана шу шаҳарчадаги саккизта маҳалланинг бири.

Унда беш мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳалламиз сув, электр чироғи ва газ билан тўлиқ таъминланган. Кўчаларимиз обод, одамларимиз эса жуда аҳил. Тўй маъракаларни ихчам, исрофгарчиликларсиз ўтказамиз. Саидов Кенжабек, Абдуллаев Файзулла, Сафарбоев Давлатбой сингари саховатпешаларимиз ҳиммати ва оқсоқоллигимиз Озод Юсуповнинг тадбиркорлиги туфайли камхарж, кўп болали оилалар тўй-маъракаларини қийналмасдан ўтказдилар. Моддий ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган фуқаролар доимо диққат-эътиборимизда. Тегишли нафақалар, моддий ёрдам пулларини ҳаммаша ўз вақтида тўлаймиз. Маҳалламизда Йўлдошев Тулибой, Жуманиёзов Собир, Холмуродов Тулибой каби эл хизматидан қочмайдиган, ташаббускор инсонлар борки, улар каттаю кичик тадбирларга бош-қош. Дарвоқе, биз айнақса, ёшлар тарбиясига жуда хушёримиз. «Бу менинг фарзандим эмас, керак бўлса ота-онаси тийиб олсин», деган кайфият бизга ёт! Ешларни ичиш, чеккиш, гиеҳвандлик каби иллатлардан, турли диний оқимлар таъсиридан холи сақлаш, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун барча чора-тадбирларни кўраймиз.

Айни кунларда маҳалламиз аҳли мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйини катта тантана қилишга ҳозирлик кўрмоқда. Амнианки, республикамиздаги барча маҳаллаларда ҳам шундай тадорик кўрилмоқда. Бу мактубни ёзишдан мақсадим ҳам ўзининг Чордара маҳалламизни мақтаб қўйиш эмас, ўзининг, маҳалладошларимизнинг байрамона кайфиятини, фарзингиз газеталар билан баҳам кўриши эди.

Раҳим МАДИЁРОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани Мангит шаҳри Чордара маҳалласи котиби.



Истиқлол ва унга тенгдошлар улғаймоқда

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номи боғида ўтказилган тадбир байрам олди кайфиятининг дебочаси бўлди. Зотан, мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган мазкур шодиёна, элимизнинг гурури ва ифтихори - Ватан пуйғуси билан омухталашиб кетди. Ўз номи билан айтганда «Шу азиз Ватан - барчамизники» эканлиги ҳар бир қалбда аниқроғи п о й т а х т и м и з д а янада янада янгиликлар садо берди.

Давра тўрига тақлиф этилган элнинг азизлари, шунингдек, Республика маҳалла ҳаётини ривожлантиришга самарали ҳисса қўшаётган ҳар бир миллилат улувдорлик бахш этиши.

ШОДИЁНА ОЛДИДАН ШОДИЁНА

Танатана аввалида Ўзбекистон Республикасининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Аҳмад



Боғ директори Баҳодир Султонов 10 ёшли болалардан 10 нафарини совға-саломлар билан сийлади.

лар ана шу миллатларни ўзида жамловчи қон-қариндошлар аҳилликлари унвончи маскан экан

лигини алоҳида таъкидлади. Таниқли санъаткорлар, кулгу усталари давра қатнашчиларга яхши кайфият ҳаля этидилар. Ўзбекистон Қадрамони, Халқ шoirи Абдулла Ориповни сахнага тақдир этилиши хушнудлигини янада жонлантириб юборди. Сўзга чиққанлар орасида Россиянинг Ўзбекистон

даги фавқуллода ва мухтор элчиси Дмитрий Рюриков, Корей миллий маркази директори Владимир Шин, Қозоқ миллий маданият маркази раиси Турсунат Холбоев, «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракати бошқаруви раиси Ботир Убайдуллаев, «Овози то

жик» газетаси ходими, шоир Абдулла Субҳон, «Саолат» журнали Бош муҳаррири Ойдин Ҳожиёевлар истиқлолимизнинг 10 йиллик тантаналари билан йиғилганлари табриқлашди ва бу ватандаги миллатлар дўстлигини дахр-ифтихор билан сўзлашди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси, Олий мажлис депутаты Шухрат Жалилов сўз олиб, Пойтахтимизда маҳалла фаолиятини ривожлантиришга муносабат ҳисса қўшган бир гуруҳ маҳалла жонқурига Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг «Маҳалла жонқури» нишонини топширди. Шунингдек, «Ибратли маҳалла оқсоқоли» кўрик танловининг ғолиби деб топилган Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Аҳмад-жон Назаров номи маҳалла оқсоқоли Собиржон Комилов ҳам ғолиблик нишонини тақдим этди.

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ, «Маҳалла» муҳбири.

ЭЛ ТАШВИШИ УНИ ҚАҲРАМОН ҚИЛДИ

Юртимиз мустақиллиги даврида ўз хизматлари эвазига тақдирланаётганларни кузатиб, бир нарсасиз бўласиз: тақдирланишларда гўёки ҳалқимиз эътирофи ифода этилгандек. Гўёки ҳалқ фикри билан Юртбошимиз хулосаларини яқдил қилувчи, боғловчи ил бордек. Аслида ҳам шундай, ҳалқимиз ўз йўлбошчисини ўзи таллаб, ўзи сайлаб қўйганлигининг ўзи ҳамфикрлик эмасми?

Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллик байрами арафаси бўлган шу кунларда янги Қаҳрамонларимиз номи эълон қилинди. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисидаги Фармонига кўра шундай юксак унвон ва «Олтин Юлдуз» медалига сазовор бўлганлар орасида Алланияз Утениязов ҳам бор.

Алланияз ака ҳақиқат таасуротларимизни ўтган йил газетамизда ёритилганда уни «Бизга ўхшамаган одам» деб атаган эдик. Чунки аксарият одамлар кўпроқ ўз доирасидаги ташвиш билан яшайди. У эса фақат одамлар, эл-юрт ташвиши билан ҳаракатда бўлади. Мана қаранг, талабалик йилларида пахта теримида

5-6 талабанинг ҳиссаси даражасида пахта терарди. Таътилда келиб қишлоқдошларига уй қуради. Ўқитувчи бўлиб ҳам бир соатлик бўш пайтида ҳам имкониятсиз одамлар учун имкон қидиради.

Унинг қурган уйлари сони 50 га етиб қолди, шундан биттаси ўзи учун, қолғиларни ногирон, қаровсиз, ёлғиз қариялар, кам даромадли оилалар учун. Яна мактаб қурди, боғча қурди, болалар яратди - ҳаммаси ўз ҳисобидан, бегараз, беинтинат.

Чори ЛАТИПОВ.



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида янги метро бекатлари ишга тушди

МЕҲР-МУРУВВАТДАН БАҲРАМАНД...

Удумларимиз кўп. Ана шулардан бири муҳтожларга мурувват қилишидир. Таъкидланган жонки, Наманган шаҳар Давлатбод туманидаги 6 мингга яқин пенсиянерларнинг 3 миңдан зиёди давлат пенсияси олишдан ташқари Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларида белгиланган имтиёзлардан ҳам фойдаланишмоқда. Хусусан газ, электр энергияси, инчимлик сувидан шунингдек, дориюк, транспорт киматидадан фойдаланишда уларга бир талай имтиёзлар яратилган.

Улар орасида 130 нафардан зиёд уруш фахрийлари ва уларга тенглаштирилганлар ҳамда ногиронлар, 51 нафар Чернобил ҳалокати иштирокчилар, 38 нафар ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари, 400 нафар ердамга муҳтож қариялар ҳам фойдаланишмоқда. Бу имтиёзлар учун, 2001 йилнинг 1-ярим йиллигиде давлат томонидан 3775.0 миң сумдан зиёд маблағ сарфланган.

Ҳозирги кунда туманда, 154 нафар рўйхатда олинган яқса-ёлғиз қариялар бўлиб, туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан уларнинг ҳар 10 нафарига биттадан парвариш қилувчи бириктириб қўйилган.

А.РИЗАЕВ, Наманган шаҳари.

«Фироқнома»ким, юборилибтур, тасвир қилилсун деб...»

Маъмуки, XV асрнинг иккинчи ярми Хуросон ҳамда унинг пойтахти Хирот учун маданий ҳаётнинг энг юқори поғонага кўтарилган даври бўлди. Ашшар Навоий ҳомийлигида адабиётимиз эмас, санъатнинг бошқа барча соҳалари ҳам гуллаб яшарди.

Чунончи улуғ Мутафаккирнинг девонлари ва «Хамса» достонларига расмлар ишлаш асносида санъатнинг минатори жанри ҳам бир қадар юксалгани сир эмас. Бу ишларни одатда Навоий кутубонасининг бош мутаасаддийси Камолиддин Бехзод бошқарар, ҳазратнинг ўзи ҳам бундан четда турмас эди. Кўнларнинг бирида Навоий буюртмасини бажарётган Бехзодни Султон Хусайн чақириб, унга бошқа вазифани топширади. Навоийнинг «Хамсаси буйича қилинаётган ишлар чала қолади. Бу тўғрида Навоий мактубларидан бирида қуйидаги сатрларни ўқиб мумкин:

«Фироқнома»ким, юборилибтур, - тасвир қилилсун деб, ани қила олур киши устол Бехзоддир ва бу яқинда Устоди муоширун - илайхни Мирзо (Хусайн Байқаро) тилаб олдилар, - ўз қошларида боғда ҳужра ясашиб иш буюралурлар. Яна анлоқ кишики, ул китобатқа муносиб иш қила олмай, - йўқ эди...»

Хусусан, Навоий достонларидан «Хайратул - аброр»га ишланган ва ҳозир «Хамса»нинг Виндзор шаҳрида (Англия), Қирол кутубонасида сақланаётган бир қатор расмлар диққатни ўзига тортлади. Улардан бири «Султон Хусайн хузурда базм» деб аталган. Бу расмда подшоҳнинг ўз яқинлари ва меҳмонлар билан баҳор чоғида табиат қўйида дам олиш манзарасини чизиб кўзда тутилган. Бевоита расмда меҳмондорчиликдан кўра кўпроқ меҳмондорчиликка тайёрлик, меҳмондорчилик бошланиши олдидаги меҳмонларнинг иккита-иккита, учта-учта бўлиб, бирлари тикка, бошқа бировлари ўтирган ҳолда олиб бораётган суҳбатлари акс эттирилган.



Подшоҳ рўпарасида савлат тўкиб унинг ўғиллари Бадлузмон Мирзо, Шоҳ Ғариб Мирзо ҳамда уларнинг тарбиячиси Ғаввалангитрилган. Улуғ ҳукмдор, шоир табиат инсон Хусайн Байқаро кир эгагидаги ёзи шийпонда шоҳона курсида энг яқин бир киши билан жиддий суҳбат-турхон тузувчилар ҳам. Мусиқачилар ўз ўринларини эгаллашган. Бунда сарой амалдорлари, маслаҳатчилар, ҳарб кишилари ҳам йўқ эмас. Улар энг томондан жой олишган. От узангисини маҳкам ушлаб, ҳушёр турган чавандозларни ҳам кўриш мумкин. Чап томонда пастроқда шляпа кийган чет

А.ХАЙИТМЕТОВ

эллик меҳмон ҳам кўзга ташланадиган турибди. Бироқ расмда ҳар қандай одамнинг эътиборини ўзига қўй тортувчи нуқта - шоҳ ва унинг ҳамсуҳбати. Улар муҳим бир мавзуда ўзаро мулоқотда. Шоҳ бошида ихчам ўралган

ёки Шоҳона тасвир тарихи

да. Ултиришга тайёргарчилик қизгин. Ошпазлар ҳаракатда. Дас-

салла. Эғнида яшил ранг, энги қисқа ёзи кийим. Бели халқали ингичка камар билан боғланган. Қўлида қалам. Бу - унинг баҳорий кайфияти ва шоирлик белгиси. Лекин унинг бутун фикри-зикри, эътибори ҳамсуҳбатда.

Улуғ ҳукмдор эътиборини бунчалик ўзига тортган инсон ким? - деган савол туғилади. Бизнинг фикримизга кўра, бу буюқ зот мутафаккир шоир ва дошманд вазир Алишер Навоийдир. Навоий бошида чиройли салла. У узун кўк кўйлак устидан юпқа зар тўн кийган бўлиб, у бир китоб ёки ундаги бир маъно хусусида шоҳ билан фикрлашмоқда.

Подшоҳнинг ёши Навоийникидан уч-тўрт ёш катта бўлса ҳам, лекин соқол-мўйлаби қоп-қора, жуссаси бақувват. Лекин Навоий ундан ёш эса-да, унинг сочили оқ тушган, қалди-қомати ҳам кўп йиллик оғир ижодий меҳнат, эл-юрт ташвиши билан барвақт букчаё бошлаган. Бу улдулар қалбидида самимият юзларидан балқиб турибди.

Бу - олдий расм эмас. Бу - буюқ тарихий ҳужжат ҳам. Уни расмон катта маҳорат билан чизган. Бизнинг тахминимизга кўра, уни Камолиддин Бехзоддан бошқа одам чизиб амери маҳол.

Ушбу расм «Хайратул-аброр» достонининг Султон Хусайн маҳдига тегишли варағига жойлаштирилган бўлиб, расм устида Навоийнинг бу шоҳ ҳақидаги қуйидаги сатрларини ҳам ўқиб мумкин:

Қайси шах ул, - хисрав оламнахо; Оламу одам ани мулк сипо; Қасри ети гўлбази гардон келиб; Етти атосия дегин хон келиб; Хон келибон ҳам ато, ҳам от ани; Фақр оти бирла мубоҳот ани...

ЮНЕСКО

қашфиётлари

Войсун

Бойсундаги миллий фольклор аъёнлари ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдонаси, деб эълон қилинган эди. Ашшар пайтда бу ерда маданий меросни асраб авайлаш, урганиш, тарғиб этиш ва сақлаш ишлари учун сармоя жалб қилиш борасида фал сая-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Самарқанд шаҳрида ўтаётган «Шарқ тароналари» III халққаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун келган ЮНЕСКО вакили - Номоддий мерос бўлими бошлиғи Норико Айкава хоним Сурхондарё вилоятининг тоғли Войсун туманига ташриф буюрди. Меҳмон Войсуннинг бетакрор табиати кизикиб томоша қилди, меҳмондўст ва танги одамлари билан учрашувлар ўтказди. Халқ табати билан шуғулланиб келатган Н. Сурвор хондониди меҳмон бўлиб, Б.Соҳибованинг уйда эса қаштани аёллар билан гурунлашди.

ЮНЕСКО вакили мамлакатимизда миллий маданиятни юксалтириш ва қадимий бой меросимизни асраб авайлаш борасида амалга оширилатган ишларга юксак баҳо берди.

Шаҳрисабз

Шу йил май ойида Шаҳрисабз ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатида киритилди.

Шу муносабат билан шаҳарда тантанали митинг бўлиб ўтди. ЮНЕСКОнинг Узбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн Шаҳрисабз тумани ҳокими Ш.Ражабовга Шаҳрисабзнинг Жаҳон мероси рўйхатига олингани тўғрисидаги гувоҳнома ни топширди. Митингда сўзга чиққан олимлар, Шаҳрисабз зиёлилари шаҳарнинг тарихи, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ва бугунги кун ҳақида гапирди.

Майкл Барри Лейн ва ташбирга ташриф буюрган бошқа меҳмонлар Шаҳрисабз шаҳридаги тарихий обидларни зиёрат қилди. Амир Темур ҳайкали пойига гул қўйди.

УА

Истиклол мушоираси

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

(«Ватан, Истиклол, 10 йил» номли Деҳмадан*)

Истиклол ҳақида сўзласан агар Куйилиб келади сўзинг ҳам. Истиклол ҳақида сўзласан Яшариб кетасан ўзинг ҳам. Бугун Истиклолнинг шарофатидан Воҳалар, Воҳалар топмиш сайқаллар; Эрта Байрамон шарофатидан Шуъалалар қўйида Ватан чайқалар...

Катор йиллар ўтди Алғов - далғовли, Бетакрор, Сир, Хикмат кўрди ҳар сана. Денгиз ҳам бемаврид бўлмас долғали, Тулқин, Пўртаналар қилар тантана...

Ана, рақамларга қаранг: Минг-минглаб биз кутган Ўз сўзин айтади халқим баралла Ана шу азизлар, ана шу фуқаро - Шу ҳаёт қўйида югуриб елади, Юздан ошқик миллат бир-бирига тенг Ягона мақсадда қовушиб келади. Тагин бошқа халқ вакиллари - қанчадан-қанча Ер, қўкка бериксиз жаҳонни,

Бўй-энини кўрсам, таърифи келди, Лекин кўнгли тўлмас ҳали ўзимдан. Бўғзимга нелардир тошлай тўқилди, Ўнчага ёш томди кўзимдан. Қаловини билсанг қор ёнар, дерлар, Қаноатга доим тола бўлур ёр. Бошини кундага кўяр мард эрлар, Замон - тулпор эди, Асов бир тулпор.

Ардоқли Ўзбекистонни Жондан суюшига ушбидир ишонч: Айримлари - Мен туғилиб ўсган Ватан, дер, Айримлари - Бу юрда Онам... Отам... дер. Бошқалари учун бундан-да азис: Уйим, Жойим, Боғим - сахий, Хотам, - дер.

Алп бўлиб суворий урди эгарни! Тулпор-ки... Бўй берди депсина - депсина. Новдани бехуда Боғбон экарми, Фақир ҳам бехуда ёзмас деҳима*.

Низомжон ПАРДА.

*Деҳима - хотини, девон - ўн. Хор Ванди ўн мисрали шайр.

ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Шу йилнинг январ ойида «Наманган савдо» ҳамда «Сўхбатдош» газеталарига «Наманган шаҳар Заркент маъсусида» жойлашган Т.Дадамирзаев хусусий нотариал идораси билан энг кўп иш олиб бораган Вилоятдаги айрим маҳалла фуқаролар йилғилари ўз шахсларини муқоромлаш бўйича эълон берилган эди.

Шунга кўра 6 ой давомида нотариал идорага келувчилар бўйича Наманган шаҳридан Заркент, Зарафшон, Навоий, Мажнунтол маҳаллалари аҳолиси, Уйчи

туманидан Яратой ва Машад, Наманган туманидан, Гирсон ва Ирвадон қишлоқ фуқаролар йилғилари аҳолиси ғолиб деб топилди. Қизикарли томони шундаки, ғолиб маҳаллаларга «Наманган ҳақиқати», «Маҳалла» ва туман газеталари 2002 йил ярим йиллиги учун, совға сифатида бепул обуна қилиб берилди.

Ҳа, айтгандай, Нотариал идора билан яқиндан иш олиб бораётган шахслар ҳам «қуруқ» қолаётгани йўқ. Улар «Сўхбатдош» газетасининг кейинги ярим йиллигига бепул обуна қилинадилар.

Фахриддин ХАЙИТОВ.

Суюн ОДИНАЕВ

Истиклол тенгдошларига

Болам, болам, жон болам, Қузлар уммон болам. Дийри хур, мустақил, Муқаддас шон болам.

Бобо юрда туғилган, Юрт ташвиши - жафога, Қудлик даври бўғилган, Суюн султон болам.

Қўк қолқон балога, Юрт ташвиши - жафога, Доим ёқдан Худого, Мўмин мусулмон болам.

Муроди улудлик ахли, Муллодир буюлик бахти, Мангудир тожу тахти, Топтай зўр имкон болам.

Осмонингда ой тўлсин, Уйингга буюлой тўлсин, Элу юртинг бой бўлсин, Доимо шодмон болам.

БОЙСУН ТУМАН

УРМОН ХУЖАДИГИ

ЖАМОАСИ

республика тахмин, жумладан, «Яшил бойлик» номи билан

энг азиз байрам

Б И Л А Ч И

қутлайди.

Хотиндонимиздан тўқиб, оловатталик, ёшларнинг келтириб олиш, савоматлик, тўқайди. Шайхон муҳаббатининг эҳтишом, ақилдан келтириб олиш, савоматлик, тўқайди.

АЗИЗ ЮРДОШЛАР!
БУЮК ИСТИҚЛОЛНИНГ 10 ЙИЛЛИК ТАНТАНАЛАРИ БАРЧАНГИЗГА ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!
ИСТИҚБОЛИМИЗ ПОРЛОҚ, ҲУРРИЯТ АБАДИЯТГА ЮЗ ТУТСИН!

БЕКТЕМИР ТУМАН ДЕҲҚОН БОЗОРИ
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ

10

ЙИЛЛИГИ

АЗИЗ ЮРДОШЛАР!
БУЮК ИСТИҚЛОЛНИНГ 10 ЙИЛЛИК ТАНТАНАЛАРИ БАРЧАНГИЗГА ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!
ИСТИҚБОЛИМИЗ ПОРЛОҚ, ҲУРРИЯТ АБАДИЯТГА ЮЗ ТУТСИН!

БЕКТЕМИР ТУМАН ДЕҲҚОН БОЗОРИ
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ

Бойсун савдо ширкати

чиқариши қолқонлик

республика тахмин

ЖАМОАСИ

юртдошларимизни қутлуғ сана

Б И Л А Ч И

Бил келтириб олиш, савоматлик, тўқайди. Хотиндонимиздан тўқиб, оловатталик, ёшларнинг келтириб олиш, савоматлик, тўқайди.

АЗИЗ ЮРДОШЛАР!
БУЮК ИСТИҚЛОЛНИНГ 10 ЙИЛЛИК ТАНТАНАЛАРИ БАРЧАНГИЗГА ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!
ИСТИҚБОЛИМИЗ ПОРЛОҚ, ҲУРРИЯТ АБАДИЯТГА ЮЗ ТУТСИН!

БЕКТЕМИР ТУМАН ДЕҲҚОН БОЗОРИ
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ

МАҲАЛЛА га
обуна бўлиш учун
ҳали эрта ёки кеч деб
ўйламанг

МАҲАЛЛА
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир хайъати:
Шухрат ЖАЛИЛОВ,
Иброҳим РАҲИМ,
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Рустам ҚОСИМОВ.

Маъсул котиб:
Аслиддин БУРИЕВ
Набатчи:
Саидолим Абдурахмонов
Саҳифаловчи
А. ЮЛДАШЕВ
Газета тахририят
компьютериди терилди
ва саҳифаланди, офсет
усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.
Буюртма Г-2737
Топширилди -

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида босилди.
Тошкент, Буюк Турон
кўчаси, 41.